

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган
йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
бош мухандиси



О.Нематов

2022й

БУЮРТМАЧИ:

«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК

**А-373 а/й "М-39 Гулистон-Бука-Ангрен-Кукон ва
Андижон оркали-Уш" автомобиль йулининг 229-230
км. оралигидаги кор ва тупроқ кучкисига карши
токчалар (полка) куриш ишлари (7-этап) учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қамчиқ довони -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун ўюриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК тасарруфидаги А-373 а/й "М-39 Гулистон-Бука-Ангрен-Куқон ва Андижон орқали-Уш" автомобил йулининг 229-230 км. оралигидаги кор ва тупрок кучкисига карши токчалар(полка) куриш ишлари (7-этап).

1.2. Танлов охирги қиймати – **829 982 599 (Саккиз юз йигирма туккиз миллион туккиз юз саксон икки минг беш юз туксон туккиз)** сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан пурратчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 9 ой.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Узбекистон, Наманган вилоятим Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йулининг 230 км, Резак қишлоғи, Булок массиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Күйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов тақлифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.